

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACISI VAZIRLAR MAҲKAMACIсининг
ҚАРОРИ**62** Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида («Қишлоқ ва сув хўжалигида иқтисодий ислохотлар чуқурлаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 25 декабрдаги ЎРҚ–240-сон Қонуни)

«Қишлоқ ва сув хўжалигида иқтисодий ислохотлар чуқурлаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 25 декабрдаги ЎРҚ–240-сон Қонунига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда истеъмол товарлари масалалари ахборот-таҳлил департаментига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2011 йил 18 февраль,
40-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2011 йил 18 февралдаги 40-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим
қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ норматив ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида» 1997 йил 13 январдаги 20-сон қарориди:

а) 1-илова III бўлими 6-бандининг олтинчи хатбошига «сувдан фойдаланиш» сўзларидан кейин «ёки сув истеъмоли» сўзлари қўшилсин;

4-иловада:

I бўлим 3-бандининг тўққизинчи хатбошига «сувдан фойдаланиш» сўзларидан кейин «ёки сув истеъмоли» сўзлари қўшилсин;

IX бўлимнинг 6-бандига «сувдан фойдаланиш» сўзларидан кейин «ва сув истеъмоли» сўзлари қўшилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ хўжалиги корхоналарини фермер хўжаликларига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 5 январдаги 8-сон қарориди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 1-сон, 2-модда):

а) 4-банднинг олтинчи хатбошидаги «сувдан фойдаланувчилар уюшмаси» сўзлари «сув истеъмолчилари уюшмаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 6-банднинг учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;
тўртинчи хатбоши учинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

в) 4-иловада:

2.1-банднинг тўртинчи хатбошидаги ва 3.2-банднинг олтинчи хатбошидаги «танловда» сўзи «очиқ танловда» сўзлари билан алмаштирилсин;

2.1-банднинг бешинчи хатбошидаги «танловни» ва 3.2-банднинг бешинчи хатбошидаги «танлов» сўзлари тегишли равишда «очиқ танловни» ва «очиқ танлов» сўзлари билан алмаштирилсин;

2.2-бандда:

саккизинчи хатбошидаги «хўжаликлараро ва хўжалик ички суғориш тизимларини» сўзлари «суғориш» сўзлари билан алмаштирилсин;

ўнинчи хатбошидаги «танлов» сўзи «очиқ танлов» сўзлари билан алмаштирилсин;

ўн иккинчи хатбошидаги «танлов асосида» сўзлари «очиқ танлов асосида» сўзлари билан алмаштирилсин;

Қишлоқ хўжалиги корхоналарини фермер хўжаликларига айлантириш бўйича комиссия тўғрисидаги намунавий низомга иловада «Чора-тадбирлар» устунидаги «сувдан фойдаланувчилар уюшмаси» сўзлари «сув истеъмолчилари уюшмаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 5-иловада:

2.1-бандга қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Фермер хўжаликларига ер участкалари очиқ танлов асосида берилди»;

3.2-банднинг иккинчи хатбошидаги «туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси» сўзлари «қишлоқ ва сув хўжалиги туман бўлими» сўзлари билан алмаштирилсин;

Қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги корхонаси негизида фермер хўжалиги барпо этиш учун талабгорларни танлаш ва уларнинг танловини ўтказиш тартибига 1-иловадаги «35-моддасига», «туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасига» сўзлари тегишли равишда «35-1 ва 50-1-моддаларига», «қишлоқ ва сув хўжалиги туман бўлимига» сўзлари билан алмаштирилсин;

д) 6-илованинг 6-бандидаги «туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси» сўзлари «қишлоқ ва сув хўжалиги туман бўлими» сўзлари билан алмаштирилсин;

е) 7-иловада:

1.2-банд қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«1.2. Ушбу тартибда қуйидаги атамалар қўлланилган:

ўзаро сув хўжалиги муносабатларини тартибга солиш сувдан белгиланган лимит бўйича фойдаланиш режасини тузиш, сувдан фойдаланувчиларни ва сув истеъмолчиларини сув билан таъминлаш, сувни тақсимлаш, сув айланишини белгилаш, сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли устуворлигига риоя қилиш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланилишини ва сув истеъмолини назорат қилиш, сув хўжалиги объектларидан фойдаланиш ишларини ташкил этиш кабиларни ўз ичига олувчи ишлар мажмуи;

сувдан фойдаланувчи — сув ресурсларини сув объектдан олмаган ҳолда улардан ўз эҳтиёжлари учун фойдаланувчи юридик ёки жисмоний шахс;

сув истеъмолчиси — ўз эҳтиёжларини қондириш учун сув объектдан сув ресурсларини белгиланган тартибда олувчи юридик ёки жисмоний шахс;

сув истеъмолчилари уюшмаси — юридик шахслар бўлган сув истеъмолчилари томонидан сувга доир муносабатлар соҳасидаги ўз фаолиятларини мувофиқлаштириш, шунингдек умумий манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш учун ихтиёрий асосда ташкил этиладиган нодавлат нотижорат ташкилоти;

сув хўжалиги объекти — сув ресурсларини тўплаш, бошқариш, етказиб бериш, улардан фойдаланиш, уларни истеъмол қилиш, ажратиб бериш ва муҳофаза қилиш мақсадида хўжалик фаолияти амалга ошириладиган сув объекти;

мелиоратив техника ва мол-мулк — экскаваторлар, бульдозерлар, скреперлар, дренаж ювиш агрегатлари, юк кўтариш кранлари ва қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги корхоналари ҳудудидаги сув хўжалиги объектларига хизмат кўрсатувчи бошқа мол-мулк;

фойдаланиш — сув хўжалиги объектларининг бир маромда ишлашини таъминловчи, объектларнинг техник ҳолатини кузатиш, текшириш, таъмирлаш-тиклаш ишларини бажариш ва уларни реконструкция қилиш ишларини ташкил этишни ўз ичига олувчи ишлар мажмуи;

сув олиш лимити — амалдаги коидаларга мувофиқ мақсадли сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли учун ваколатли органлар томонидан белгиладиган сув ресурсларининг чекланган ҳажми;

сувдан белгиланган лимит бўйича фойдаланиш ва сув истеъмоли режаси — сув олишнинг белгиланган лимити доирасида қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш режими, ҳудуднинг ирригация-мелиоратив ва тупроқ шаброитларини ҳамда бошқа шартларни ҳисобга олган ҳолда сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчиларининг хўжалик фаолияти кўрсаткичлари асосида тузиладиган сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчиларининг сув объектларидан сув олиши жадвали»;

II бўлимнинг номидаги «Сувдан фойдаланувчилар уюшмаси» сўзлари «Сув истеъмолчилари уюшмаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

2.1 ва 2.2-бандлар қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«2.1. «Сув истеъмолчилари уюшмаси» (кейинги ўринларда Уюшма деб аталади) устун даражада гидрографик принцип ёки сув ресурсларини оқилона бошқариш ва улардан фойдаланишни таъминлайдиган бошқа шартлар бўйича ташкил этилади.

2.2. Юридик шахс ташкил этган ҳолда фермер хўжаликлари, деҳқон хўжаликлари, шунингдек бошқа сув истеъмолчилари — юридик шахслар сув истеъмолчилари уюшмаларининг муассислари бўлиши мумкин.

Фермер ва деҳқон хўжаликлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек бошқа сув истеъмолчилари сув истеъмолчилари уюшмалари аъзолари бўлиши мумкин»;

2.3 ва 3.7-бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

2.7-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Қайта ташкил этилаётган хўжаликнинг барча сув хўжалиги объектлари, шунингдек қайта ташкил этилаётган хўжаликнинг нормал фаолият кўрсатиш учун зарур мелиоратив техника, бинолар ва бошқа мол-мулки»;

3.1 — 3.3-бандлар қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«3.1. Сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчиларини сув билан таъминлаш устуворлик бўйича, «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ва сувдан белгиланган лимит бўйича фойдаланиш ва сув истеъмоли режалари асосида амалга оширилади.

Сув олишга фақат шартнома асосида сувни тартибга солиш ва ҳисобга олиш воситалари билан жиҳозланган рўйхатдан ўтказилган сув ажратиш тармоқларида (каналларнинг сув олиш иншоотлари, қудук, насос станцияси (агрегат) ва бошқа сув олиш иншоотлари)да рухсат берилади.

Уюшманинг сув хўжалиги объектларидан фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳамда бошқа сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчиларига сув ажратишнинг қўшимча тармоқларини ўрнатиш масаласи Уюшма томонидан ирригация тизимининг тегишли бошқармаси ҳамда қишлоқ ва сув хўжалиги туман бўлими билан келишув бўйича белгиланган тартибда ҳал этилади.

Бошқа сув хўжалиги объектларидан сув ажратишнинг қўшимча тармоқларини ўрнатиш масаласи хизмат кўрсатувчи фойдаланиш ташкилоти томонидан белгиланган тартибда ҳал этилади.

3.2. Уюшма сувдан лимит бўйича фойдаланиш ва сув истеъмоли режалари асосида ўз фаолияти ҳудудидаги барча сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчиларини сув билан таъминлаш учун сув олишга унга хизмат кўрсатувчи ирригация тизими бошқармаси билан шартнома тузади.

Унга хизмат кўрсатувчи ирригация тизими бошқармаси билан тузилган шартномада сув олиш манбаи кўрсатилган ҳолда ҳар 10 кунда сув олиш ҳажми кўрсатилади.

Шартноманинг намунавий шакли қишлоқ ва сув хўжалиги органлари томонидан белгиланган тартибда белгиланади.

3.3. Сувдан белгиланган лимит бўйича фойдаланиш режаси Уюшма то-

монидан бир йилда икки марта тузилади ҳамда қишлоқ ва сув хўжалиги туман бўлими билан келишган ҳолда унга хизмат кўрсатувчи ирригация тизими бошқармаси томонидан тасдиқланади.

Сувдан фойдаланишнинг лимитланган режаси таркибида сувдан фойдаланишнинг мақсадли вазифаси, сув айиргичлар ва суғориш каналлари кўрсатилган ҳолда истисносиз барча сув истеъмолчилари учун ҳар 10 кунда сув олиш ҳажми кўрсатилади»;

3.4-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«3.4. Сув берилишини таъминлаш учун Уюшма ўзи хизмат кўрсатадиган зонадаги барча сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчилари билан ҳар 10 кунда бериладиган сув миқдорини, сув айиргичлар ва манбаларини кўрсатган ҳолда шартномалар тузади».

3.5-бандда:

биринчи хатбоши чиқариб ташлансин;

иккинчи хатбоши биринчи хатбоши деб ҳисоблансин;

3.6-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«3.6. Сув етказиб бериш бўйича Сув истеъмолчилари уюшмаси хизматларига, шунингдек кўрсатилган бошқа сув хўжалиги хизматларига шартнома асосида ҳақ тўланади»;

4.1 — 4.4-бандлар қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«4.1. Сув хўжалиги объектларидан ва Уюшманинг бошқа мол-мулкидан фойдаланиш ҳамда Уюшманинг ўзининг таъминоти сув етказиб бериш бўйича хизматлар учун ҳақ тўлашдан фермер ва деҳқон хўжаликларидан, фуқаролардан ва Уюшманинг бошқа аъзоларидан ҳақ сифатида тушадиган маблағлар, шунингдек у томонидан кўрсатилган бошқа сув хўжалиги хизматлари ҳисобига уюшманинг суғориладиган ерлари майдони, қишлоқ хўжалик экинлари турлари, сув бериш ҳажми, тупроқ-иқлим хусусиятлари ва бошқа хусусиятлар ҳисобга олинган ҳолда Уюшма аъзоларининг умумий йиғилишида белгиладиган миқдорларда амалга оширилади.

4.2. Уюшманинг сув хўжалиги объектларидан фойдаланишда ва Уюшманинг ўзининг таъминотида ҳар бир сувдан фойдаланувчи ва сув истеъмолчисининг улушли қатнашишини аниқлаш учун ҳар йили амалдаги нормативлар асосида, қимматлашиш индекси ҳисобга олинган ҳолда харажатлар сметаси тузилади.

Сув хўжалиги органлари билан келишилган харажатлар сметаси Уюшма аъзоларининг умумий йиғилишида тасдиқланади.

4.3. Фермер ва деҳқон хўжаликлари, фуқаролар ва Уюшманинг бошқа аъзоларининг насос агрегатлари, мелиоратив техникаси ва бошқа мол-мулкидан фойдаланиш уларнинг ўз маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

4.4. Фермер ва деҳқон хўжаликлари, фуқаролар ва Уюшманинг бошқа аъзоларининг насос агрегатлари, мелиоратив техникаси ва бошқа мол-мулки алоҳида шартномалар бўйича улардан фойдаланиш учун Уюшмага берилиши мумкин».

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғри-

сида» 2003 йил 28 июндаги 290-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 6-сон, 51-модда):

а) 5-иловада:

6-банднинг саккизинчи хатбошида «сувдан фойдаланишнинг» сўзларидан кейин «ва сув истеъмолининг» сўзлари қўшилсин;

7-бандда:

ўн иккинчи хатбошидаги «сувдан лимит бўйича фойдаланиш» сўзларидан кейин «ва сув истеъмоли» сўзлари қўшилсин;

ўн учинчи хатбошидаги «сувдан фойдаланувчилар» сўзлари «сув истеъ-молчилари» сўзлари билан алмаштирилсин;

ўн еттинчи хатбоши куйидаги тахрирда баён қилинсин:

«каналлар ва коллекторлардан, сув омборлари, насос станциялари, гидротехника иншоотларидан ва бошқа давлат сув хўжалиги объектларидан фойдаланишни ташкил этади»;

ўн саккизинчи хатбошидаги «гидромелиорация тизимларидан» сўзлари «сув истеъмолчилари уюшмаларининг сув хўжалиги объектларидан» сўзлари билан алмаштирилсин;

куйидаги мазмундаги йигирма биринчи хатбоши қўшилсин:

«иригация тизимлари ҳавза бошқармаларига, магистрал каналлар (тизимлар) бошқармаларига, сув омборларидан фойдаланиш бошқармаларига, трансчегаравий сув объектларидан, вилоятлараро аҳамиятга молик сув объектларидан, йирик ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектларидан фойдаланувчи ташкилотларга, насос станциялари, энергетика ва алоқа бошқармаларига, мелиорация экспедицияларига, шунингдек бошқа сувдан фойдаланувчиларга ва сув истеъмолчиларига — республика ёки вилоятлараро аҳамиятга молик сунъий сув объектларидан сувдан махсус фойдаланишга ёки сув истеъмолига рухсатномалар беради, табиатни муҳофаза қилиш органларига табиий юза сув объектларидан сувдан махсус фойдаланиш ва сув истеъмолига рухсатнома бериш тўғрисида таклифлар киритади»;

йигирма биринчи — ўттиз иккинчи хатбошилар тегишли равишда йигирма иккинчи — ўттиз учинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

9-бандда:

еттинчи хатбошига «сувдан фойдаланиш» сўзларидан кейин «ва сув истеъмоли» сўзлари қўшилсин;

саккизинчи хатбошида «сув хўжалиги ташкилотларини» сўзлари «сув истеъмолчиларини» сўзлари билан алмаштирилсин;

20-банднинг бешинчи хатбошига «сувдан фойдаланиш» сўзларидан кейин «ва сув истеъмоли» сўзлари қўшилсин;

б) 6-иловада:

5-бандда:

учинчи хатбошига «сувдан фойдаланиш» сўзларидан кейин «ва сув истеъмоли» сўзлари қўшилсин;

ўн учинчи хатбошидаги «сув бериш» сўзлари «сув олиш» сўзлари билан алмаштирилсин;

ўн тўртинчи хатбошида «сувдан фойдаланишнинг бозор принциплари ва

механизмларини жорий этишга, сувдан фойдаланувчилар томонидан сувнинг ҳисобга олинишини ташкил этишга» сўзлари «сув истеъмолчилари уюшмалари, фермер ва деҳқон хўжаликлари, шунингдек қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун бошқа сув истеъмолчилари томонидан сувдан фойдаланишнинг бозор принциплари ва механизмларини жорий этишга, сувдан фойдаланувчилар томонидан сувнинг ҳисобга олинишини ташкил этишга» сўзлари билан алмаштирилсин;

ўн бешинчи хатбошидаги «вилоят сувдан фойдаланувчилари» сўзлари «сув истеъмолчилари уюшмалари, фермер ва деҳқон хўжаликлари, шунингдек қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун бошқа сув истеъмолчилари» сўзлари билан алмаштирилсин;

ўн олтинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«сув истеъмолчилари уюшмаларининг сув хўжалиги объектларидан фойдаланиш ишлари ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш чора-тадбирлари бажарилишини, шунингдек сувдан фойдаланиш ва сув истеъмолини ҳисобга олишни ташкил этиш, шунингдек уларни ривожлантириш бўйича мувофиқлаштириш»;

ўн еттинчи хатбошидаги «сувдан фойдаланувчилар уюшмалари» сўзлари «сув истеъмолчилари уюшмалари» сўзлари билан алмаштирилсин;

б-бандда:

ўн бешинчи хатбошидаги «сувдан фойдаланиш учун шартномалар» сўзлари «сув истеъмолчилари уюшмалари, фермер ва деҳқон хўжаликлари, шунингдек бошқа қишлоқ хўжалиги сув истеъмолчилари билан сувдан фойдаланиш ва сув истеъмолига шартномалар» сўзлари билан алмаштирилсин;

ўн олтинчи хатбошига «сувдан фойдаланиш» сўзларидан кейин «ва сув истеъмоли» сўзлари қўшилсин;

ўн еттинчи хатбошига «сувдан фойдаланувчилар» сўзларидан кейин «ва сув истеъмолчилари» сўзлари қўшилсин;

ўн саккизинчи хатбошидаги «сувдан фойдаланувчилар уюшмаларини» сўзлари «сув истеъмолчилари уюшмаларини» сўзлари билан алмаштирилсин;

ўн тўққизинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«сув истеъмолчилари уюшмалари фаолияти, уларнинг сув хўжалиги объектларида таъмирлаш-тиклаш ишлари ўтказилиши ва сувни тежайдиган технологиялар жорий этилиши устидан мониторинг олиб боради»;

в) ба-иловада:

4-бандда:

тўққизинчи — ўн биринчи хатбошилар қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«туман сув истеъмолчилари уюшмалари бўйича сув олиш лимитларини белгилаш бўйича таклифлар тайёрлаш, бозор принциплари ва механизмлари амалга оширилишига кўмаклашиш, шунингдек лимит бўйича сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартибига риоя қилиш;

лимитланган сувдан тежаб фойдаланилиши учун сув истеъмолчилари

уюшмалари, фермер ва деҳқон хўжаликларини ва туманнинг бошқа қишлоқ хўжалиги сув истеъмолчиларини рағбатлантиришни ташкил этиш;

сув истеъмолчилари уюшмалари, деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги сув истеъмолчилари томонидан сув ресурсларидан оқилона ва мақсадли фойдаланилиши устидан назорат қилишда қатнашиш»;

ўн иккинчи хатбошидаги «сувдан фойдаланувчилар уюшмаларини» сўзлари «сув истеъмолчилари уюшмаларини» сўзлари билан алмаштирилсин;

5-бандда:

ўн бешинчи хатбошидаги «туман қишлоқ хўжалиги сувдан фойдаланувчилари бўйича сувдан фойдаланиш» сўзлари «туман сув истеъмолчилари уюшмалари бўйича сув олиш» сўзлари билан алмаштирилсин;

ўн олтинчи хатбошидаги «шартномалар тузиш» сўзлари «сув истеъмолчилари уюшмалари, деҳқон ва фермер хўжаликлари, шунингдек бошқа қишлоқ хўжалиги сув истеъмолчилари билан шартномалар тузиш» сўзлари билан алмаштирилсин;

ўн еттинчи хатбошига «сувдан фойдаланишнинг» сўзларидан кейин «ва сув истеъмолининг» сўзлари қўшилсин;

ўн саккизинчи хатбошидаги «сувдан фойдаланувчиларни» сўзлари «сув истеъмолчилари уюшмалари, фермер ва деҳқон хўжаликлари, шунингдек бошқа қишлоқ хўжалиги сув истеъмолчиларини» сўзлари билан алмаштирилсин;

ўн тўққизинчи хатбошидаги «сувдан фойдаланувчилар уюшмаларини» сўзлари «сув истеъмолчилари уюшмаларини» сўзлари билан алмаштирилсин;

йигирма учинчи хатбошига «сувдан лимит бўйича фойдаланиш» сўзларидан кейин «ва сув истеъмоли» сўзлари қўшилсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Сув хўжалигини бошқаришни ташкил этишни бошқариш тўғрисида» 2003 йил 21 июлдаги 320-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 7-сон, 65-модда):

а) 2-бандда:

иккинчи хатбошига «сувдан фойдаланишнинг» сўзларидан кейин «ва сув истеъмолининг» сўзлари қўшилсин;

саккизинчи хатбошидаги «сув истеъмолчилари бўйича» сўзлари «сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчилари бўйича» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 5-иловада:

3-банднинг иккинчи хатбошига «сувдан фойдаланишнинг» сўзларидан кейин «ва сув истеъмолининг» сўзлари қўшилсин;

4-банднинг «а» кичик бандида:

иккинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли прогнозлари умумлаштирилишини, сув ресурслари баланси ишлаб чиқилишини, сув олиш лимитлари ва ҳавза ирригация тизимлари, иқтисодиёт тармоқлари ва айрим алоҳида му-

ҳим сув хўжалиги объектларининг сув олиш лимитлари белгиланишини таъминлайди»;

учинчи хатбошига «сувдан фойдаланишда» сўзларидан кейин «ва сув истеъмолида» сўзлари қўшилсин;

тўққизинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«ирригация тизимлари ҳавза бошқармаларига, магистрал каналлар (тизимлар) бошқармаларига, сув омборларидан фойдаланиш бошқармаларига, трансчегаравий сув объектларидан, вилоятлараро аҳамиятга молик сув объектларидан, йирик ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектларидан фойдаланувчи ташкилотларга, насос станциялари, энергетика ва алоқа бошқармаларига, мелиорация экспедицияларига, шунингдек бошқа сувдан фойдаланувчиларга ва сув истеъмоличиларига — республика ёки вилоятлараро аҳамиятга молик сунъий сув объектларидан сувдан махсус фойдаланишга ёки сув истеъмолига рухсатномалар бериш бўйича таклифларни кўриб чиқиш ва материалларни тайёрлаш, шунингдек табиий юза сув объектларидан сувдан махсус фойдаланишга ва сув истеъмолига рухсатномалар бериш, шунингдек сув олиш тармоқларини рўйхатдан ўтказиш (коммунал-маиший соҳанинг фойдаланиш ташкилотлари сув хўжалиги объектларидан ва сув истеъмоличилари уюшмаларидан сув олиш тармоқлари бундан мустасно) ва фойдаланишни ҳисобга олишни рўйхатдан ўтказиш тўғрисида табиатни муҳофаза қилиш органларига таклифлар киритиш»;

ўнинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«сув истеъмоличилари уюшмалари ва уларнинг бошқа бирлашмаларини ташкил этиш ва ривожлантиришда, шунингдек уларнинг хизмат кўрсатиш зонасида сув ҳисобини ташкил этишда методик ва амалий ёрдам кўрсатилади»;

в) 5а-иловада:

4-бандда:

учинчи хатбошидаги «сувдан фойдаланишнинг» сўзларидан кейин «ва сув истеъмолининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошидаги «истеъмоличиларни» сўзлари «сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмоличиларини» сўзлари билан алмаштирилсин;

тўққизинчи хатбошидаги «сув истеъмоличилари» сўзлари «сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмоличилари» сўзлари билан алмаштирилсин;

5-бандда:

иккинчи хатбошига «сувдан фойдаланиш» сўзларидан кейин «ва сув истеъмоли» сўзлари қўшилсин;

бешинчи хатбошига «сувдан фойдаланишнинг» сўзларидан кейин «ва сув истеъмолининг, шунингдек» сўзлари қўшилсин;

қуйидаги мазмундаги олтинчи хатбоши қўшилсин:

«ирригация тизимлари бошқармаларига, шунингдек бошқа сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмоличиларига вилоят ёки туманлараро аҳамиятга молик сунъий сув объектларидан сувдан махсус фойдаланишга ёки сув истеъмолига рухсатнома беради, табиий юза сув объектларидан сувдан

махсус фойдаланиш ва сув истеъмолига рухсатнома бериш тўғрисида табиатни муҳофаза қилиш органларига таклифлар киритади);

олтинчи — ўн иккинчи хатбошилар тегишли равишда еттинчи — ўн учинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

еттинчи хатбошига «сувдан лимит бўйича фойдаланиш» сўзларидан кейин «ва сув истеъмоли» сўзлари қўшилсин;

6-банднинг тўртинчи хатбошига «сувдан лимит бўйича фойдаланиш» сўзларидан кейин «ва сув истеъмоли» сўзлари қўшилсин;

г) 5б-иловада:

4-банднинг тўртинчи хатбошига «сувдан фойдаланишнинг» сўзларидан кейин «ва сув истеъмолининг» сўзлари қўшилсин;

5-банднинг бешинчи хатбошидаги «сувдан фойдаланишнинг» сўзларидан кейин «ва сув истеъмолининг» сўзлари қўшилсин;

б-бандда:

тўртинчи хатбошидаги «ички хўжалик гидромелиоратив тармоқларда» сўзлари «сув истеъмолчилари уюшмаларининг сув хўжалиги объектларида» сўзлари билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошига «сувдан лимит бўйича фойдаланиш» сўзларидан кейин «ва сув истеъмоли» сўзлари қўшилсин;

5. Вазирлар Маҳкамасининг «2004 — 2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 30 октябрдаги 476-сон қароридан (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 10-сон, 105-модда):

а) 6-иловада:

1-банддаги «танлов асосида» сўзлари «очиқ танлов асосида» сўзлари билан алмаштирилсин;

11-12-бандлар қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«11. Фермер хўжалиги:

ихтисослашувга мувофиқ, уставда ва ижара шартномасида назарда тутилган берилган ер участкасида фермер хўжалигининг ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этиш;

ихтисослашувни ҳисобга олган ҳолда ва тузилган контрактация шартномалари асосида қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш;

харид қилинадиган маҳсулотга олдиндан ҳақ тўланган ҳолда фьючерс контрактлари тузиш;

етиштирилган маҳсулотни тасарруф этиш, шу жумладан ўз хоҳишига кўра истеъмолчиларга сотиш ҳуқуқига эга бўлиш;

етиштириладиган маҳсулотга, бажариладиган ишлар ва кўрсатиладиган хизматларга нарх белгилаш;

электр энергияси, ёнилғи-мойлаш материаллари, минерал ўғитлар, ўсимликларни ҳимоя қилишнинг кимёвий ва биологик воситаларини етказиб беришга, сув хўжалиги, техник хизматлар ва бошқа хизматлар кўрсатишга шартномалар тузиш;

конун ҳужжатларида белгиланган тартибда солиқ солиниши керак бўлган тадбиркорлик фаолиятдан чекланмаган миқдорда даромад (фойда) олиш;

олинган даромадларни (фойдани), банк муассасасидаги ўзининг ҳисоб рақамларидаги мавжуд пул маблағларини тасарруф этиш;

акциялар ва бошқа қимматли қоғозларни сотиб олиш;

кредитлар олиш, бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг пул маблағлари ва бошқа мол-мулкни шартнома шартларида жалб этиш ҳамда уларни ишлаб чиқаришга ва такрор ишлаб чиқаришга йўналтириш;

кредитлар олиш учун ўз мол-мулкни гаровга қўйиш, шунингдек ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқи;

кичик ва хусусий корхоналар учун берилган имтиёзлар ва преференцияларнинг барча турларидан фойдаланиш;

зарур асбоб-ускуналарни, ишлаб чиқариш воситалари ва бошқа мол-мулкни сотиб олиш, ижарага олиш, бинолар ва иншоотлар қуриш ва уларни таъмирлаш;

ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Фермер хўжалиги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

12. Фермер хўжалиги:

қонун ҳужжатларида ва ижара шартномасида белгиланган шартларда ер участкасидан мақсадли, самарали ва оқилона фойдаланишни таъминлашга;

экологик талабларга ва атроф муҳит муҳофазасининг бошқа қоидаларига риоя қилишга;

ер участкасининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, унинг унумдорлигини сақлаш ва ошириш тадбирларини амалга оширишга, бизнес-режада ушбу мақсадлар учун маблағлар ажратилишини назарда тутишга;

ер участкаси берилган пайтдан бошлаб, агар ижара шартномасида бошқа муддат белгиланмаган бўлса, бир йил мобайнида ер участкадан фойдаланишни бошлашга;

пахта ва бошоқли экинларни навлар бўйича жойлаштиришнинг белгиланган талабларига риоя қилишга;

сув истеъмоли тўғрисидаги шартномага мувофиқ сув ресурсларидан фойдаланишга, сувни тежаш, сув ресурсларидан мақсадли ва оқилона фойдаланиш чора-тадбирларини кўришга;

ушбу фермер хўжалиги аъзо ҳисобланган Сув истеъмолчилари уюшмаси балансидаги суғориш ва коллектор-дренаж тармоқларини тозалаш ва таъмирлаш ишида белгиланган тартибда қатнашишга, шунингдек уларни техник соз ҳолатда сақлашга, фойдаланишнинг белгиланган қоидаларига риоя қилишга;

сувни муҳофаза қилиш зоналари, соҳил бўйи полосалар, сув объектларининг санитария муҳофазаси зоналарини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тартиби ва шартларига риоя қилишга;

ер участкасини оғирлаштириш шартларига ва сервитутларга риоя қилишга;

тузилган контрактация шартномаларига мувофиқ давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари назарда тутилган ҳажмлар доирасида етказиб берилишини таъминлашга;

солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни, шунингдек кўрсатилган хизматлар учун тўловларни белгиланган тартибда ўз вақтида тўлашга;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда агротехника талабларига риоя қилишга;

қишлоқ хўжалиги ўсимликларини зараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилишни таъминлашга;

меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига, ўз ходимларининг хавфсиз меҳнат шароитларига риоя қилишни таъминлашга мажбурдир.

Фермер хўжалиги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларни ҳам олиши мумкин»;

15-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«15. Фермер хўжалиги бошлигининг пул маблағлари ва моддий воситалари, товарларни сотишдан (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатишдан) олинган даромад (фойда), қимматли қоғозлардан олинган даромадлар, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар фермер хўжалиги мол-мулкани шакллантириш манбалари бўлиши мумкин»;

17-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«17. Фермер хўжалигининг муассиси — фермер унинг бошлиғи ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган, тегишли малакага ёки қишлоқ хўжалигида иш тажрибасига эга бўлган фуқароси фермер бўлиши мумкин»;

VI бўлимнинг номидаги «сувдан фойдаланиш» сўзлари «сув истеъмоли» сўзлари билан алмаштирилсин;

19-бандда:

биринчи хатбошидаги «танлов асосида» сўзлари «очиқ танлов асосида» сўзлари билан алмаштирилсин;

қўйидаги мазмундаги учинчи хатбоши қўшилсин:

«Пенсия ёшига етганда ёки меҳнат қобилятини йўқотганда фермер хўжалигининг бошлиғи ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини қонун ҳужжатларига мувофиқ ижара шартномаси амал қилиш муддатида ўз оиласи аъзоларидан бирига бериши мумкин»;

учинчи хатбоши тўртинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

26-банддаги «сувдан фойдаланиш» сўзлари «сув олиш» сўзлари билан алмаштирилсин;

39-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«39. Фермер хўжалиги қўйидаги ҳолларда тугатилади:

ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқидан ихтиёрий воз кечиш;

фермер хўжалиги банкрот деб эътироф этилиши, шу жумладан моддий-техника ресурслари етказиб берувчилар, ишлар ва хизматлар кўрсатувчилар билан ҳисоб-китоблар мунтазам равишда амалга оширилмаслиги;

фермер хўжалиги бошлигининг вафот этиши ва хўжалик фаолиятини давом эттиришни хоҳлайдиган меросхўрнинг йўқлиги;

ер участкаси давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши зарур бўлганда ёхуд ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги, шу жумладан фермер хўжалиги томонидан ер участкасидан бошқа мақсадда фойдала-

нилганда, шу жумладан контрактация шартномасида назарда тутилгандан бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари экилганда белгиланган тартибда ер участкасининг ижара шартномаси бекор қилиниши.

Фермер хўжалиги:

фермер хўжалиги бошлиғи (фермер)нинг;

конун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда суднинг қарори билан тугатилади»;

б) 7-иловада:

2-банддаги «танлов асосида» сўзлари «очиқ танлов асосида» сўзлари билан алмаштирилсин;

3-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«3. Ер участкалари фермер хўжаликларига узоқ муддатли ижарага қишлоқ хўжалиги мақсадидаги ерлардан ва захира ерлардан ажратилади;

6-бандда:

иккинчи хатбошидаги «10» рақами «30» рақами билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «1» рақами «5» рақами билан алмаштирилсин;

10-банддаги «ер тузиш хизмати органлари» сўзлари «туманларининг ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

II бўлимнинг номи қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«II. Ер участкалари бериш тартиби»;

14-банддан «қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги)нинг номи» сўзлари чиқариб ташлансин;

III ва IV бўлимлар номи чиқариб ташлансин;

V-VI бўлимлар тегишли равишда III, IV бўлимлар деб ҳисоблансин.

17-бандда:

иккинчи хатбошидаги «Ҳокимнинг» сўзлари «Туман ҳокимининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

18 — 30-бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

33-банддаги «вилоят ҳокими» сўзлари «ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича вилоят комиссияси» сўзлари билан алмаштирилсин;

35-банднинг биринчи хатбошидаги ва 37-банднинг биринчи хатбошидаги «ер ресурслари бўйича туман хизмати» сўзлари «туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими» сўзлари билан алмаштирилсин;

38-банддаги «ер ресурслари бўйича туман хизмати», «ер ресурслари бўйича туман хизматида» сўзлари тегишли равишда «туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими», «туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимида» сўзлари билан алмаштирилсин;

39-банднинг бешинчи хатбошидаги «вилоят ҳокимининг» сўзлари «ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича вилоят комиссияси» сўзлари билан алмаштирилсин;

40-банддаги «ер ресурслари бўйича туман хизматида» сўзлари «туман

ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимида» сўзлари билан алмаштирилсин;

42-банддаги «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги), бошқа қишлоқ хўжалиги корхонаси, ташкилотининг ва» сўзлари чиқариб ташлансин;

в) 8-илованинг X бўлимида:

биринчи хатбошидаги «ер ресурслари бўйича туман хизматида» сўзлари «ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимида» сўзлари билан алмаштирилсин.

иккинчи хатбошидаги «ер ресурслари бўйича туман хизматида» сўзлари «ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимида» сўзлари билан алмаштирилсин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Осиё тараққиёт банки ҳамда Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки иштирокидаги лойиҳаларни амалга ошириш учун норматив ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида» 2004 йил 30 мартдаги 153-сон қарорига 1-иловада:

а) 1-банднинг учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Сув истеъмолчилари уюшмаси — юридик шахслар бўлган сув истеъмолчилари томонидан сувга доир муносабатлар соҳасидаги ўз фаолиятларини мувофиқлаштириш, шунингдек умумий манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш учун ихтиёрий асосда ташкил этиладиган нодавлат нотижорат ташкилоти»;

б) сувдан фойдаланувчилар уюшмасига кўрсатмалар тегишли келишикда сув истеъмолчилари уюшмасига кўрсатмалар билан алмаштирилсин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзмелиомашлизинг» давлат лизинг компаниясини ташкил этиш тўғрисида» 2007 йил 21 декабрдаги 266-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2007 й., 12-сон, 73-модда):

а) 2-банддаги «сувдан фойдаланувчилар уюшмаларига» сўзлари «сув истеъмолчилари уюшмаларига» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 3-банддаги:

иккинчи хатбошидаги «сувдан фойдаланувчилар уюшмалари» сўзлари «сув истеъмолчилари уюшмалари» сўзлари билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошидаги «сувдан фойдаланувчилар уюшмалари» сўзлари «сув истеъмолчилари уюшмалари» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 6-бандда:

биринчи хатбошидаги «сувдан фойдаланувчилар уюшмаларига» сўзлари «сув истеъмолчилари уюшмаларига» сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «сувдан фойдаланувчилар уюшмалари» сўзлари «сув истеъмолчилари уюшмалари» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 2-илованинг 3-банди биринчи хатбошидаги «сувдан фойдаланувчилар уюшмаларига» сўзлари «сув истеъмолчилари уюшмаларига» сўзлари билан алмаштирилсин;

8. Вазирлар Маҳкамасининг «Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш дастурларини шакллантириш ва амалга оширишни тако-

миллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2008 йил 28 ноябрдаги 261-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2008 й., 11-сон, 63-модда):

а) 1-иловада:

7-банднинг тўртинчи хатбошидаги «судан фойдаланувчилар уюшмаси» сўзлари «сув истеъмолчилари уюшмаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

13-банднинг учинчи хатбошидаги «судан фойдаланувчилар уюшмалари, фермер хўжаликлари ва бошқа судан фойдаланувчилар» сўзлари «сув истеъмолчилари уюшмалари, фермер хўжаликлари ва бошқа сув истеъмолчилари» сўзлари билан алмаштирилсин;

14-бандда:

учинчи ва еттинчи хатбошидаги «судан фойдаланувчилар уюшмалари» сўзлари «сув истеъмолчилари уюшмалари» сўзлари билан алмаштирилсин;

тўққизинчи хатбошидаги «судан фойдаланувчилар уюшмалари мутахассислари томонидан фермерлар, шунингдек бошқа судан фойдаланувчилар билан биргаликда» сўзлари «сув истеъмолчилари уюшмалари мутахассислари томонидан фермерлар, шунингдек бошқа судан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчилари билан биргаликда» сўзлари билан алмаштирилсин;

16-банднинг олтинчи хатбошида, 17-банднинг биринчи хатбошида, 37-банднинг иккинчи хатбошида ва 56-банднинг иккинчи хатбошидаги «судан фойдаланувчилар уюшмалари» сўзлари «сув истеъмолчилари уюшмалари» сўзлари билан алмаштирилсин;

Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича лойиҳаларни шакллантириш, ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш, тасдиқлаш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга схемада «Судан фойдаланувчилар уюшмалари» сўзлари «Сув истеъмолчилари уюшмалари» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-илова 8-бандининг тўртинчи хатбошидаги ва 17-бандининг биринчи хатбошидаги «судан фойдаланувчилар уюшмалари» сўзлари «сув истеъмолчилари уюшмалари» сўзлари билан алмаштирилсин.